

RABIU-L-ABROR AS A RELIGIOUS AND EDUCATIONAL Anthology

Pirmuhamedov Bahodir Bahramovich

International Islamic Academy of Uzbekistan

Senior Lecturer, Department of Arabic Language and Literature Al-Azhar

Abstract: Today, our country is going through a period of radical changes in the spiritual and educational sphere, the revival of Islamic enlightenment and culture, especially the spiritual, moral and physical upbringing of young people has risen to the level of state policy. The preservation of our centuries-old national and religious values, the study of the invaluable heritage of our ancestors, who made a great contribution to the development of world science and culture, and the upbringing of young people as perfect human beings provide a stable socio-spiritual environment in society. The works of our ancestors, who contributed to the development of Islam and world civilization, have not lost their relevance.

“РАБИЪУ-Л-АБРОР” АСАРИ ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ АНТОЛОГИЯ СИФАТИДА

Пирмухамедов Баходир Бахрамович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

“Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар” кафедраси катта ўқитувчиси

Бугунги кунда мамлакатимиз маънавий-маърифий соҳада инновацион туб ўзгаришлар босқичидан ўтаётган бўлиб, ислом маърифати ва маданиятининг тикланиши, хусусан ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги билан белгиланади. Кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади [1]. Ислом ва дунё тамаддуни ривожига ҳисса қўшган аждодларимизнинг асарлари ҳали ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Шундай аждодларимиздан бири “Жоруллоҳ”, “Устозу-л-араб ва-л-ажам” ва “Фахру Хоразм” каби улуғ номларга сазовар бўлган аллома Маҳмуд Замахшарийдир. Маҳмуд Замахшарий жуда ҳам бой илмий меросга эга. У ўзининг сермаҳсул ҳаёти давомида олтмиш олтита йирик асар яратди. Улар тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик, халқ оғзаки ижоди, фалсафа ислом тарихи, география бошқа фанларга оид асарлардир [3:4].

Одатда, жаҳон илму-фанида Маҳмуд Замахшарийнинг тафсир, луғатшунослик, балоғат ва араб грамматикасига оид асарлари тадқиқ қилиниб ўрганилган, алломанинг ҳадисшунослик илми ва унинг ривожига қўшган ҳиссасига оид тадқиқотларни амалга оширишга эҳтиёж бор. Аллома ўзининг “Кашшоф”, “ал-Фоиқ фи ғариб ҳадис” ва тадқиқот объекти бўлмиш “Рабиъу-л-аброр” асарларида турли мавзуларни ёритишда ҳадисларда моҳирона фойдаланиб, ўзини ҳадис илми ривожига ҳам улушини қўшган. У ўзини фикр ва қарашларини ифодалашда ва исботлашда ҳадислардан фойдаланган. Замахшарийнинг ҳадисларни тушунишидаги услуби ва уларга муносабати, фойдаланган манбалари, “Рабиъу-л-аброр” асарларидаги ҳадисларнинг аниқлиги, миқдори ва ҳадиснинг Ислом динидаги ўрнига бўлган алломанинг фикрларини

Ўрганиш зарурат холига келди. Маълумки, Замахшарий ҳадис илмига оид мустақил асар яратмаган. У барча олимлар каби ҳадисларни тушунишда муаян тизимга риоя қилган. Бу илмий иш орқали Замахшарийнинг суннат ва ҳадисларга муносабати тадқиқ этилиб, алломанинг ҳадисшунослик илмидаги ўрнини очиб бериш билан аҳамиятлидир.

Охириги йилларда юртимизда буюк аждодларимизнинг бетакрор илмий-маънавий меросини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан таъкидланганидек, «Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур [2]. Шундай аждодларимиздан бўлмиш Маҳмуд Замахшарий ва унинг Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти нодир қўлёмалар фондида ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг қўлёмалар фондида сақланиб келаётган ва ҳали тадқиқ қилинмаган “Рабиъу-л-аброр” асарини ўрганиш ва асардаги қимматли маълумотларни кенг жамоатчиликга содда ва тушунарли тилда етказиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Тарихий-маданий ва маънавий меросга оид концептуал масалалар, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг халқимиз маънавий тафаккурининг тикланиши, унинг ўтган улуғ аждодларга муносиб ворис бўлиб тарбиялаш ҳақидаги фикрлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маънавий меросимизни қадрлаш ва юксалтириш ҳақидаги асарлари баркамол авлод тарбиясини амалга оширишда илгари сурилган фикрлар мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси шарқ ва ғарб олимлари томонидан узоқ вақтдан бери ўрганилиб келмоқда. Ўрта аср араб тадқиқотчиларидан ибн Халликон, Ёқут Ҳамавий, Ҳожи Халифа [4]лар ўз асарларида Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва меросига оид қимматли маълумотларни келтирганлар. Шунингдек, К.Броккельман, Р.Гибб, И.Ю.Крачковский, З.Холидов, А.Б.Холидов, В.М.Белкин, Сабина Шмидтке, Ҳасан Еркасан [5:507-517] каби ғарб шарқшунослари ҳам унинг илмий меросини тадқиқ қилганлар.

Араб олимлари ва тадқиқотчиларидан: А.Жувайний, А.Хуфий, Муртазо Шерозий, Абдусаттор Дайф ва Ҳинд Ҳусайн Тоҳа [6]нинг илмий тадқиқотларида келтирилган маълумотлар ҳам Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Охириги йилларида Ўзбекистонда Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросига бағишланган кўпгина илмий тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, А.Рустамов, У.Уватов, З.Исломов, М.Ҳакимжонов, М.Оқилов, Ф.Абдуллаев, Н.Шарипов, Ў.Қориев, М.Носирова, Н.Сулаймонова ва Ш. Мирзиётовларнинг [7:10] Замахшарий илмий меъросига оид тадқиқот ва мақолалари чоп этилди.

Афсуски, ҳозиргача Замахшарийнинг илмий меросидан, асосан тилшунослик ва луғатшаносликга оид асарлари ўрганилган. Унинг асарлари ҳадисшунослик илми нуқтаи назаридан тадқиқ қилинмаган. Шунингдек, Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъу-л-аброр” асари диний-маърифий антология сифатида ўрганиш ҳам муҳимдир.

Асарни диний-маърифий антология сифатида ўрганиш борасида унинг диний-маърифий атология йўналишидаги ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратилади, шунингдек, асарнинг дунё қўлёмалар фондидаги қўлёмалар нусхалари ва уларнинг мухтасарлари ўрганилади. Алломанинг асарининг кодикологик таҳлили ва асарда

келтирилган ҳадисларнинг илмий таҳлили, олий ва ўрта махсус диний билим юртлирида ўқитиладиган “Ҳадисшунослик”, “Ҳадис иснодлари таҳлили ва таҳриж илми” ва “Исломи тарихи ва манбашунослик каби фанлар мазмунини янги назарий ишланмалар билан бойитилади ва бу фанлар бўйича ўқув дастурлари, дарслик, ўқув қўлланма ва маърузалар матни тайёрлашда муҳим манба бўлиши мумкин.

Шу билан бир қаторда, улуғ аллома, тилшунос, луғатшунос, муфассир, шоир, XI-XII асрлар илми ривожига улкан ҳисса қўшган Маҳмуд Замахшарий ҳақидаги маълумотларни истеъмолга киритиш, унинг ижодий-маънавий меросини жамият, омма орасида, хусусан, баркамол авлод тафаккурига етказиш, унинг асарларида қўлланилган ҳадисларнинг таълим-тарбия ва илм-фан соҳасига кенг татбиқ этиш имконияти яратилади.

Фойдаланилган Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг 2018 йил 16 апрель, ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони.
2. Президент Шавкат Мирзиёвнинг 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги ўқитувчи ва зиёлиларга мурожаати. /Халқ сўзи. 30 сентябр 2020 йил.
3. Маҳмуд Замахшарий. Муқаддимату-л-адаб./ Нашрга тайёрловчи З.Исломов, ТИУ.: 2002.-Б.4
4. Ибн Халликон. Вафояту-л-аъян. – Қоҳира: Дару-с-сафо. 1978.
5. Brockelmann С. Geschichte der arabischen litteratur. Bd. I. - Weimar, 1898. - S.289-293.
6. Ал Жуваний. Минҳажу-з-Замахшарий фи тафсири-л-Қуръан ва иайану иъжазиhi. – Қоҳира, 1959.
7. З.Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971. – Б. 10.
8. Dusmatov, S.T. (2019) Mahmud Zamakhshari i yego makami / Molodoy ucheniy. – 2019. - №52 (290). – S. 297-299.
9. Dusmatov Sanjar. (2020). THE GREAT ALLOMA OF KHOREZM. *Archive of Conferences*, 9(1), 90-91.
10. Dusmatov S.T. (2019) The role of Mahmood Zamakhshari in the development of Arabian Language grammar. Вестник современных исследований. Омск, - 2019. Том 4, С. 14-16.
11. Матибаева, Р. Б. (2019) Редкая рукопись по ханафизму «Манакиб Аби Ханифа» / Молодой ученый. — 2019. — № 36 (274). — С. 71-74.
12. Raziya B. Matibayeva, Zohidjon Islomov (2020) «RELATIONSHIP OF RELIGION AND TRADITION IN CENTRAL ASIA». *International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer Reviewed Open Access International Journal*, Vol 09 Issue 12, Dec 2020, ISSN 2456-5083, P.92-96.